

SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/5 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SPI1342V3SI5Y2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 5/5 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Кайпова Малика Дауытбай қизи*
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУДУДДА
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ9-13
- Фарманова Гульнара Комилевна*
АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ Г.А.ПУГАЧЕНКОВОЙ НА ТЕРРИТОРИИ
САМАРКАНДСКОГО СОГДА 14-19
- Aminov Xurmatbek Вахрат о'g'li*
HUNARMANDCHILIK RIVOJI UCHUN YANGI IMKONIYATLAR 20-25
- Мустафоев Жонибек Аралбоевич*
“ПАХТА ИШИ”НИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ФОЖИАЛИ
ОҚИБАТЛАРИ (НАВОЙИ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА) 26-31
- Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li*
O'ZBEKISTON TARIXIY TARAQQIYOTNING ZAMONAVIY BOSQICHIDA IJTIMOY DAVLATNI
SHAKLLANTIRISHNING KONSTITUTSIYAVIY ISTIQBOLLARI32-36
- Маҳмудон Эркин Асқаралиевич*
АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ИСТИЛОСИ ДАВРИДА ФАРҒОНАДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР37-45
- Назаров Комил Шамсуддинович*
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ46-51
- Матажонов Раҳимжон Акратович*
O'ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI
HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI52-58
- ### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ
- Остоноқулов Азамат Абдукаримович, Султонов Омон Жума ўғли*
ДАВЛАТ ОТМЛАРИДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ
ҲИСОБОТЛАРНИНГ АХБОРОТ ИМКОНИАТЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ 59-69
- Narmamatov Ixtiyor Baxtiyorovich*
DEVELOPMENT ADVANTAGES OF CASHLESS PAYMENTS IN THE PAYMENT SYSTEM OF
UZBEKISTAN 70-75
- Хамраев Джамшид Панжиевич*
ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ
ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЗАРУРЛИГИ 76-81
- Кулибоев Азамат Шоназарович*
ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 82-91
- Axmedova Nazokat Zikirillo qizi*
KORXONA MARKETING STRATEGIYASIDA RAQAMLI STRATEGIYADAN FOYDALANISH
USULLARI VA AFZALLIKLARI 92-97

<i>Саатмуротов Шохрух</i> МИНТАҚАДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ БАҲОЛАШ ОМИЛЛАРИ	98-103
<i>Шакирова Фароғат Болтаевна</i> АҚШ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИ ОМИЛЛАРИ, ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯСИ	104-113
<i>Кадиров Лутфулло Халимович</i> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ	114-121
<i>Ibragimova Zarema Zokirovna</i> DUNYONING IQTISODIY RIVOJLANGAN MAMLAKATLARINING BOSHQARUV TASHLILINI TASHKIL ETISH VA ULARNI ICHKI IQTISODIYOTGA TATBIQ ETISH TAJRIBASI	122-129
<i>Қодиров Азизжон Анварович</i> «COVID-19» ИНҚИРОЗИНИНГ ЖАҲОН ЭКОТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ	130-137

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Sharipov Dilshod Baxshilloyevich</i> JON LOKKNING TABIIY HOLAT VA TINCHLIKKA OID QARASHLARI	138-145
<i>Rahmatova Xolidaxon Xolikovna</i> ХОҲА АНРОР ВАЛИЙНИНГ ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА НАМЎНАТЛИККА ДОИР Г'ОЙАЛАРИ – ВАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙОТ ОМИЛИ СИФАТИДА	146-151
<i>Орзиев Иқболжон</i> АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА СЕКУЛЯРИЗМ ОМИЛИНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ	152-157
<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i> ILMIY MUAMMOLARNI HAL ETISHDA VAHS-MUNOZARALARNING TUTGAN O'RNI.....	158-165

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Israil Mukaddas Irgashevna</i> BOSMA MEDIA TILINING SOTSIOLINGVISTIK ASPEKTDА O'RGANISH USULLARI	166-172
<i>Nishonova Xurshida Yusufjanovna</i> A'ZAM O'KTAM SHE'RIYATIDA MILLIY RUHNING IFODALANISHIDA E'TIQODIY QARASHLAR	173-178
<i>Маматкулова Камола Шавкат кизи</i> ИСТОРИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ПОНЯТИЯ ПРЕЦЕДЕНТНОСТИ В ЛИНГВИСТИКЕ И ЕГО РОЛЬ В ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ	179-184
<i>Hamroyeva Dilfuza Jamolovna</i> O'ZBEK XALQ QO'SHIQLARIDA YUZ SOMATIZMINING BADIY TALQINI	185-189
<i>Mahmudova Xushnoza Ravshanbekovna</i> OMMAVIY AXBOROT VOSITALARIDA MOLIVAVIY SAVODXONLIKNI OSHIRISH	

MASALALARI	190-195
<i>Ismonova Yorqinoy Abdumutalib qizi</i> ROMANDA ROVIY BOLA OBRAZI.....	196-200
<i>Mirzoyev Masudjon Kimsanovich, Niholchonova Navbahor</i> FARZONA XO'JANDIY SHE'RLARIDA MIFOLOGIK PERSONAJLAR BADIY IFODASINING XUSUSIYATLARI	201-206
<i>Kholiyorov Bunyod</i> THE CONDITION OF DEVELOPMENT OF LEXICAL COMPETENCE USING AUTHENTIC MATERIALS IN TEACHING ENGLISH IN NON-PHILOLOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS	207-213
<i>Hazratqulov Mutallib Rashidovich, Gulxanova Fotima, Qarshiboyeva Muborak</i> NUTQNI IDROK ETISH QONUNIYATLARI	214-219

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Файзиев Шухрат Хасанович</i> ПОНЯТИЕ И ОСОБЕННОСТИ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В КОНТЕКСТЕ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ	220-225
<i>Nishonov Abdulloh Ubaydulloh o'g'li</i> ATOM ENERGIYASINING XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHNING XALQARO-HUQUQIY ASOSLARI	226-233
<i>Safoeva Sadoqat Musoeva</i> IJTIMOIY TARMOQLARDA FUQAROLIK-HUQUQIY MUNOSABATLARNI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH ISTIQBOLLARI	234-246
<i>Бокиев Жаҳонгир Нурматжон ўғли</i> АЛОҲИДА ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖЛАРИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	247-253
<i>Турсунова Маликахон Улуғбековна</i> ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТДА ДИПЛОМАТИК ФАОЛИЯТ ШАКЛЛАРИ: ИСЛОХОТЛАР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРТИБОТИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ	254-258

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Atamatov Abduxalil Salomovich</i> OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MUSTAQIL SOATLARNI O'QITILISHINING KOMPETENSIYAVIY O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	259-265
<i>Omarova Gavhar Sadikovna</i> HUQUQ FANINI O'QITISHDA TA'LIMNI TABAQALASHTIRISHNING PEDOGOGIK-PSIXOLOGIK JIHATLARI: DIDAKTIK O'YINLAR MISOLIDA	266-271
<i>Baratov Jo'raqo'zi Shukurjon o'g'li</i> BO'LAJAK PEDAGOGLARNING KASBIY FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA NOSTANDART TOPSHIRIQLARNING ROLI VA AHAMIYATI	272-277

<i>Kuchkarova Arofathon</i> THE IMPORTANCE OF GEOGEBRA IN ENHANCING STUDENTS' LEARNING OF MATHEMATICS AT SCHOOLS	278-283
<i>Tojiyeva Xolida Baxtiyorovna</i> UMUMTA'LIM MAKTABLARI ADABIYOT DARSLARIDA ASAR BADIYYATINI O'QITISH TARIXI	284-288
<i>Masharipov Ravqat Madraximovich</i> KURASH BILAN SHUG'ULLANUVCHI TALABA SPORTCHILARDA TAYYORGARLIK BOSQICHLARINI KUN VA HAFTALIK MIKROTSIKLLARDA MASHG'ULOT YUKLAMALARINI OPTIMAL ME'YORLASH	289-295
<i>Niyozmatov Anvar Bahodirovich</i> XORAZM XALQ O'YINLARI	296-303
<i>Qodirov Xasanboy Oribjonovich</i> OLIJ TA'LIM MUASSASASI TALABALARIDA LIDERLIK SIFATLARINI SHAKLLANTIRISH BOSQICHLARI	304-309
<i>Kejaboev Abdusalim Erkaboevich</i> PEDAGOGIK MENEJMENT VA ZAMONAVIJ RAHBAR KOMPETENTLIGI	310-315
<i>Axmadjonova Farangiz Axrorjon qizi</i> OLIJ TA'LIM MUASSASALARIDA MASOFAVIY TA'LIM MAZMUNI VA TA'LIM JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISHNING DIDAKTIK - USLUBIJ TA'MINOTI	316-322

12.00.00- Юридик фанлар

Бокиев Жаҳонгир Нурматжон ўғли
Тошкент давлат юридик университети
Конституциявий ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси
E-mail: jahongirlawyer1@gmail.com

АЛОҲИДА ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖЛАРИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Сўнги йилларда барча демократик давлатларда бўлгани каби инсон ҳуқуқ ва эркинларини таъминлашни юқори босқичга олиб чиқиш Ўзбекистон Республикасида ҳам алоҳида аҳамият берилаётган масаладир. Айниқса ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатнинг муҳим вазифаси бўлмоқда. Мазкур маъқолада алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган шахсларнинг таълим олиш, хусусан, олий таълим олиш ҳуқуқини таъминлашдаги бир қатор ташкилий-ҳуқуқий муаммолар ҳамда уларнинг ечими сифатидаги таклифлар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: инклюзив таълим, таълим олиш ҳуқуқи, олий таълим олиш ҳуқуқи, масофавий таълим, таълим турлари, таълим шакллари, таълим тизими

Bokiev Jakhongir Nurmatjon o'g'li
Lecturer of Constitutional law department
of the Tashkent state university of law

ORGANIZATIONAL AND LEGAL ISSUES OF PROVIDING THE RIGHT TO HIGHER EDUCATION OF PERSONS WITH SPECIAL EDUCATIONAL NEEDS

Abstract. Increasing the availability of human rights and freedoms has recently received significant attention in the Republic of Uzbekistan, as it does in all democratic nations. The state has a responsibility to properly uphold the rights of people with disabilities. In order to guarantee the right of individuals with exceptional educational needs to access education, particularly higher education, this article explores several organizational and legal issues and makes solutions for them.

Key words: inclusive education, right to education, right to higher education, distance education, types of education, forms of education, education system

Бокиев Жаҳонгир Нурматжон углу
Старший преподаватель кафедры
Конституционного права Ташкентского
государственного юридического университета

ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВА НА ВЫСШЕЕ ОБРАЗОВАНИЕ ЛИЦ С СПЕЦИАЛЬНЫМИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫМИ ПОТРЕБНОСТЯМИ

Аннотация. В последние годы, как и во всех демократических странах, выведение обеспечения прав и свобод человека на более высокий уровень является вопросом, которому в Республике Узбекистан

придается особое значение. Важным долгом государства является полная поддержка прав инвалидов. В данной статье анализируется ряд организационно-правовых проблем в обеспечении права лиц с особыми образовательными потребностями на получение образования, в частности высшего, а также предложения по их решению.

Ключевые слова: инклюзивное образование, право на образование, право на высшее образование, дистанционное образование, виды образования, формы обучения, система образования.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPI1342V3SI5Y2023N35>

Кириш. Маълумки сўнги йилларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш барча демократик давлатлар сингари Ўзбекистон Республикасининг ҳам энг асосий устувор вазифасидир. Давлат томонидан “инсон кадрини улуғлаш” тамойили асосида амалга оширилган кўплаб ислохотлар қаторида ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш ҳуқуқларини таъминлаш тизимини янада яхшилашга доир кўрилган чора-тадбирларни алоҳида эътироф этиш лозим. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидлаганларидек, **“Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир”**. [1] Давлатнинг энг катта бойлигини, билимли, илмли ёшлар кўпайтириш, айниқса, заковатли, лекин имконияти чеклаган ёшларга алоҳида давлат эътиборини қаратиш келажак учун жуда катта сармоядир.

Шу мақсадда ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга оид бир қатор ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрида қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги” Қонунида таълим олиш шакли сифатида инклюзив таълим белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4860-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим беришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 638-сон қарори билан инклюзив таълим олиш ҳуқуқи ва уни амалга ошириш тартиби мустаҳкамланди.

2023 йил 30 апрелдаги Ўзбекистон халқининг умумий овози, референдуми натижасида қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланишига оид норманинг белгиланлигини эса, энг мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлди деб айтиш мумкин. [2]

Алоҳида таълим эҳтиёжига эга бўлган шахсларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган кўплаб норматив асослар яратилган, ташкилий чоралар кўрилган бўлса-да, бироқ бу соҳада ҳанузгача бир қатор муаммолар, камчиликлар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат албатта мазкур соҳада етарлича илмий изланишлар олиб борилмаганлигидан, муаммоларга ечим бўладиган илмий асослантирилган ҳуқуқий таклифлар етарлича ишлаб чиқилмаганлигидан далолат беради деб айтиш мумкин. Бу эса қуйидаги йўналишлар бўйича илмий тадқиқот олиб боришни тақозо этади:

а) Алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган шахсларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашни илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этиш;

б) Инклюзив таълим шаклининг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашдаги аҳамияти;

в) Инклюзив таълимни олиб боришдаги мавжуд муаммолар ҳамда ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибасини таҳлил этган ҳолда ушбу муаммоларга ечимлар ишлаб чиқиш.

Алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган шахсларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш бугунги кунда долзарб масала бўлганлиги сабабли су соҳада бир қатор миллий ва хорижий мутахассислар илмий изланишлар олиб борилган. Масалан, миллий тадқиқотчиларимиздан Ш.Хайдарова ва М.Нишонова, М.Қурбонова, Г.Абдуллаева, М.Абдуллаева, Н.Назаровалар инклюзив таълимнинг турли жиҳатларини таҳлил қилишган. Хорижий мутахассислардан Г.Линдсай, С.Стуббс, Ф.Армстронг, Ж.Корбетт, М.Аинсков, Е.Мартынова, И.Деменьтева, С.Сопыряевалар ҳам инклюзив таълимнинг ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашдаги аҳамияти ҳақида турли ракурсларда тадқиқотлар олиб боришган.

Юқорида келтирилганидек, инклюзив таълим турли нуқтайи назарлардан таҳлил этилган бўлса-да, лекин айнан олий таълимда инклюзив таълим мутахассислар томонидан алоҳида ўрганилмаган.

Материал ва методлар. Алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган шахсларнинг инклюзив таълим олиш имкониятлари қонунчиликда белгиланган бўлса-да, улар илмий жиҳатдан етарли даражада таҳлил қилинмаганлиги, шунингдек олий таълимда инклюзив таълимни амалга ошириш ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш ва унинг асносида миллий қонунчиликни такомиллаштириш билан боғлиқ бир қатор муаммолар борлиги сабабли, ушбу тадқиқот ишида, асосан, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил методидан фойдаланилди. Бундан ташқари кузатиш, умумлаштириш, индукция ва дедукция методларидан ҳам кенг фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари. Статистик маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг 1 миллиардга яқин қисмини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этади. Ушбу кўрсаткич, аниқроғи, болалиқдан ногиронлик мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг маълумотига кўра **ўн тўққиз мингга яқинни (18932)** ташкил этаётганлигини кўриш мумкин. [11] Ушбу рақамлар давлатнинг олдида бундай тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқларини, хусусан, таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш масаласида кўплаб вазифаларни кўндаланг кўяди.

Шулардан келиб чиқиб, ушбу ўринда алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган шахсларнинг таълим олиши – инклюзив таълимни назарий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этиш лозимлигини кўрсатади.

Бир қатор тадқиқотчилар инклюзив таълим ҳақида унинг тушунчаси, таълим олиш ҳуқуқини таъминлашдаги ўрни, таълим технологиялари билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда бошқа турли жиҳатларини таҳлил этишган. Хусусан, инклюзив таълимга **М.Абдуллаева** қуйидагича таъриф беради: **“Инклюзив таълим — давлат сиёсати бўлиб, ногирон ва соғлом болалар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиш, махсус таълимга муҳтож болалар, (айрим сабабларга кўра ногирон бўлган) ўсмирлар ривожланишда учрайдиган нуқсонлар ёки иқтисодий қийинчиликлардан қатъий назар**

ижтимоий ҳаётга мослаштиришга йўналтирилган умумтаълим жараёнига қўшишни ифодаловчи таълим тизимидир.” [5] Яъни М. Абдуллаева инклюзив таълимни давлат сиёсати бўлган таълим тизими сифатида эътироф этган.

Ушбу таърифда инклюзив таълимни таълим тизими сифатида келтирилганлигига ҳуқуқий жиҳатдан қўшилиб бўлмайди деб айтишимиз мумкин. Сабаби Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни 6-моддасида таълим тизими қуйидагилардан иборат эканлиги келтириб ўтилган:

- давлат таълим стандартларини, давлат таълим талабларини, ўқув режалари ва ўқув дастурларини;

- давлат таълим стандартларини, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларини амалга оширувчи таълим ташкилотларини;

- таълим сифатини баҳолашни амалга оширувчи ташкилотларни;

- таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасаларни;

- таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларини, шунингдек уларнинг тасарруфидаги ташкилотлар. [3]

Инклюзив таълимни эса ушбу қонуннинг 15-моддасида белгиланганидек, таълим олиш шакли сифатида кўриш мумкин. Соддароқ қилиб айтганда инклюзив таълим бу таълим тизими эмас, балки таълим олиш шакли ҳисобланади.

Бошқа бир тадқиқотчилар **Ш.Хайдарова ва М.Нишоновалар** инклюзив таълимни қуйидагича тавсифлайди: “**Инклюзив таълим** бу, шундай таълим-тарбия жараёни, унда жисмоний, руҳий, ақлий ва бошқа муаммоларидан қатъий назар барча болалар умумий тарзда ўз уйи ва ҳудудида, эҳтиёжларига мос барча шароитлар яратилган мактабгача таълим ташкилотлари, мактабларда ўз тенгқурлари билан бирга таълим олиш демакдир.” [7] Яъни улар инклюзив таълимни мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаблардаги соғлом ва нуқсонли болаларнинг бир хил шароитларда таълим олиши билан боғлиқ таълим жараёни сифатида эътироф этади.

Фикримизча, ушбу таърифларни ҳам мукамал берилган деб ҳисоблаш бирмунча хато ҳисобланади. Сабаби унда таълимнинг инклюзивлик доираси қисқартириб юборилган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, инклюзив таълим фақат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда эмас, бошқа таълим турлари, хусусан, профессионал таълим (касб-хунар мактаблари, коллежлар, техникумлар) ҳамда олий таълимда мавжуд бўлиши лозим. Ушбу фикримизни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4860-сон қарори 8-банди 3-хатбошисидаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар (шахслар) тўсиқсиз ҳаракатланиши учун умумий ўрта, **профессионал ва олий таълим** муассасаларининг ўқув бинолари ҳамда талабалар турар жойларида зарур шароитлар (биноларнинг кириш қисмига пандуслар, тутқичлар ва бошқалар) яратиш лозимлиги тўғрисидаги норма билан асослантиришимиз мумкин. Мазкур норма таълимнинг бундай шакли профессионал ва олий таълим ташкилотларида ҳам ташкил этилишини назарда туттади. [4]

Бироқ ушбу тадқиқотчиларнинг инклюзив таълимни фақатгина мактабгача таълим ташкилотларида ҳамда мактабларда кўрганларини ҳам бир тарафдан нормал

ҳолат деб этироф этиш мумкин. Чунки бугунги кундаги қонунчилигимизда фақатгина 2020 — 2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси мавжудлигини кўриш мумкин.

Умуман олганда инклюзив таълим бўйича бир қатор олимлар тадқиқотлар олиб борганлигини, уларнинг деярли барчасида турли хил қарашлар мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин.

Бу фикрни **С.Стуббс** ҳам алоҳида эътироф этиб, инклюзив таълим тушунчаси бўйича турли хил бахслар мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси бу таълим шаклининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади деган фикрни илгари сурган. Унинг фикрича, инклюзив таълим таълимнинг болани тизимга эмас, балки тизимни болага мослашиши керак бўлган ҳуқуқий ва ижтимоий моделидир. [9]

Фикримизча, тадқиқотчининг фикрлари жуда ҳам ўринли деб ҳисоблашимиз мумкин. Чунки инклюзив таълимнинг моҳияти ҳам айнан жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) учун таълим ташкилотларида улар учун мослаштирилган таълим олиш имкониятларини яратилган таълим шаклидир. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни 20-моддасида ҳам йни шу мазмундаги қоида белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Яъни унга кўра, Инклюзив таълим алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда барча таълим олувчилар учун таълим ташкилотларида таълим олишга бўлган тенг имкониятларни таъминлашга қаратилган.[2]

Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ташкил этилади.

Муаммолар. Амалга оширилган кўплаб ижобий ислохотлар билан бирга тан олиб айтиш ҳам керакки, инклюзив таълимни ташкил этишда ҳали ҳам айрим муаммолар етарлича. Қуйида ушбу муаммоларини кўрсатишга ҳаракат қиламиз:

- **биринчидан**, инклюзив таълимга эътибор фақатгина мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда мактаблар билан чегараланиб қолди. Буни бир неча асослар билан исботлаш мумкин. “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 8-14-моддаларида таълим турлари акс этган бўлса, уларнинг фақат биттасида, 9-моддасида умумий ўрта ва ўрта махсус таълим шаклидагина инклюзив таълим масаласи кўрсатилган. Бошқа бирорта таълим турларида инклюзив таълим акс этмаган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4860-сон қарори билан фақатгина 2020 — 2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси қабул қилинган. Бошқа таълим турларида бундай концепция мавжуд эмас.

- **иккинчидан**, инклюзив таълимнинг моҳиятини юқорида таҳлил қилдикки, унда бир мактабда ҳам соғлом, ҳам ногиронлиги бўлган шахслар бир хил шароитда таълим олиш имкониятига эга бўлади. Лекин афсуски, бугунги кунда фаолият олиб бораётган таълим ташкилотларининг 70 фоизга яқин қисмида имконияти чекланган шахслар учун имкониятлар (пандуслар, лифтлар, ҳожатхоналар) мавжуд эмас. Буларнинг барчасини инклюзив таълимни ташкил этишга бўлган тўсиқлар деб бемалол айтишимиз мумкин.

- **учинчидан**, алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган талабалар ўқув адабиётлари, электрон дарсликлар, аудио китоблар билан етарли даражада таъминланмаганлиги сабабли уларнинг таълим олиш имкониятлари кескин камаймоқда.

- **тўртинчидан**, кўпгина ҳолатларда ногиронлиги бўлган шахслар таълим муассасаларида ўзларининг айрим имкониятлари чекланганлигидан уялиш ҳолатлари сабабли уларда таълим олишни давом эттирмаслик ҳолатлари кузатилади.

Хулоса ва таклифлар. Келтириб ўтилган ушбу муаммолар инклюзив таълим шаклининг ривожланишида катта тўсиқ бўлмоқда. Шу сабабли хулоса ўрнида қуйида мазкур муаммоларга ечим бўлиши мумкин бўлган бир қатор таклифлар илгари сурилади:

- **биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4860-сон қарори тасдиқланган 2020 — 2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси каби бошқа таълим турларида, яъни мактабгача таълим, профессионал таълим ҳамда олий ва олий таълимдан кейинги таълим турларида ҳам инклюзив таълимни ривожлантириш концепциясини қабул қилиш лозим. Бунда бир концепция доирасида барча таълим турларини қамраб олиш ҳам мумкин. Бундай ҳуқуқий асоснинг қабул қилиниши таълимнинг барча турларида алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган талабаларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашда аниқ ва манзилли, натижадор ишлаш имкониятини яратади деб айтиш мумкин.

- **иккинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни 11-моддасини қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

“Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) нуқсонлари бўлган шахслар, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган шахслар давлат ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларида инклюзив шаклда таълим олади”

“Таълим тўғрисида”ги қонунга ушбу қўшимчанинг киритилиши алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган шахсларнинг давлат ҳамда нодавлат олий ташкилотларида инклюзив шаклда таълим олиш ҳуқуқини таъминлашнинг мукстаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

- **учинчидан**, Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунда мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, профессионал таълим ва олий таълим ташкилотлари сони 20 мингга яқинни ташкил этмоқда. Лекин ушбу таълим ташкилотларининг жуда ҳам кам миқдориди турли имконияти чекланган шахслар учун махсус шароитлар мавжудлигини кўриш мумкин. Шунинг учун фуқароларимизнинг конституциявий ҳуқуқи бўлган инклюзив таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш учун таълим ташкилотларида улар барча шароитларни (пандуслар, лифтлар, ўқув хоналари, ҳожатхоналар ва ҳоказолар) яратиш лозим. Имконияти чекланган шахслар таълим муассасаларида бошқа шахсларнинг кўмагига муҳтожликни қанча кам сезсалар, ўзларининг ушбу муҳитда шунчалик эркин ҳис қилади. Бу эса, албатта, уларнинг таълим олишларида ижобий натижа беради.

- **тўртинчидан**, олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклига берилган квоталар ҳар йиллик миқдорининг камида 20 (йигирма) фоиз қисмини қатъий равишда алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган шахслар учун ажратиш таклиф этилади. Бундай шаклда турли даражадаги имконияти чекланган шахсларнинг масофавий олий таълим олиш имконияти яратилганлиги уларга бирмунча қулайликлар яратади. Масалан, ўзининг имконияти чекланганлигидан уяладиган шахслар учун, айниқса, бу

жуда муҳимдир. Бунинг натижасида улар уйдан туриб, барча тенгдошлари, курсдошлари қаторида, улардан қайсидир жиҳатдан имконияти чекланганлигини ҳис қилмасдан таълимни давом эттириши мумкин бўлади.

- **бешинчидан**, алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган шахслар учун таълим муассасаларида махсус ўқув адабиётлари, электрон ва аудио дарсликлар сони кўпайтириш лозим. Бунинг натижасида уланинг таълим имкониятлари тўлиқ таъминланади.

Якуний хулоса сифатида айтиш мумкинки, бугунги инсон ҳуқуқларини таъминлаш асосий эътибордаги масала бўлган бир даврда олий таълимда инклюзив таълимни такомиллаштириш, алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган шахсларнинг олий таълим олиш ҳуқуқини кафолатлаш жуда ҳам долзарб ҳисобланади. Шу сабабли давлат ўзининг конституциявий мажбуриятини бажариш учун бу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратиши шарт.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 30.09.2020 й., <https://president.uz/uz/lists/view/3864>
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 30.04.2023 й., Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон., <https://lex.uz/docs/6445145>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон., <https://lex.uz/docs/5013007#5013199>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4860-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.10.2020 й., 07/20/4860/1383-сон, <https://lex.uz/docs/5044711>
5. Ibodullayevna A. M. INKLYUZIV TA'LIM TIZIMINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY VA AMALIY AHAMIYATI //PEDAGOGS jurnali. – 2023. – Т. 30. – №. 2. – С. 49-52.
6. Bokiev Jakhongir Nurmatjon o'g'li (2022) “RIGHTS TO EDUCATION IN DEVELOPED COUNTRIES' CONSTITUTIONS”, Conferencea, pp. 176–179. Available at: <https://conferencea.org/index.php/conferences/article/view/1255> (Accessed: 12 August 2023).

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ S/5 (3)-2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).